

“АГРОБАНК” АТБ ҲИСОБОТЛАРИ АСОСИДА УНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ибрагимов Темурбек Илҳом ўғли

БМА магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада “Агробанк” АТБнинг 2021–2024 йиллар давридаги молиявий ҳисоботлари таҳлил қилинган бўлиб, асосий молиявий кўрсаткичларнинг динамикаси, жумладан, активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар таркибидаги ўзгаришлар чуқур ўрганилган. Таҳлил жараёнида горизонтал, вертикал ва коэффициентлар таҳлили усуллари қўлланилган. Шунингдек, ROA, ROE, ликвидлик ва капитал етарлилиги каби стратегик кўрсаткичлар асосида банкнинг рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги баҳоланган. Мақолада фоизли ва фоизсиз даромадларнинг ўзаро нисбати, харажатлар таркиби ҳамда соф фойда ўсиш динамикаси асосида таҳлилий хулосалар берилган. Бундан ташқари, банк мажбуриятлари ва хусусий капитал таркибини таҳлил қилиш орқали унинг молиявий позициясига комплекс ёндашув таклиф этилган.

Калит сўзлар: Агробанк, молиявий таҳлил, ҳисобот шакллари, фойда, капитал, актив, ликвидлик, даромадлар, харажатлар, ROA, ROE

Abstract: This article presents a comprehensive analysis of the financial reports of “Agrobank” JSCB for the period 2021–2024, focusing on the dynamics of key indicators such as assets, liabilities, equity, income, and expenditures. The analysis employs horizontal, vertical, and ratio analysis methods to evaluate the bank's profitability and financial stability based on metrics like ROA, ROE, liquidity, and capital adequacy. Special attention is given to the proportion of interest and non-interest income, the structure of expenses, and the trend in net profit growth. Additionally, the composition of liabilities and shareholder equity is examined to provide a well-rounded view of the bank's financial position.

Keywords: Agrobank, financial analysis, financial statements, profitability, capital, assets, liquidity, income, expenditures, ROA, ROE

Молиявий таҳлил банк фаолиятида қабул қилинадиган ҳар қандай қарорнинг асосий манбаига айланган. Айниқса, айрим банкларнинг ҳисоботлари асосида амалий таҳлил олиб бориш ушбу тизимнинг ички хусусиятларини, фаолият самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини англашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу бўлимда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки мисолида молиявий ҳисоботлар таҳлили амалга оширилади.

2024 ва 2025 йилнинг 1 юни ҳолатига тақдим этилган ҳисоботлар маълумотларига кўра, банкнинг активлар тузилишида энг катта улушни

кредитлар эгалламоқда. Хусусан, 2024 йилда “Агробанк”нинг умумий активлари 717,4 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 476,6 трлн сўм, ёки тахминан 66,4 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келган. 2025 йилда эса ушбу кўрсаткич 546,4 трлн сўмга кўтарилган бўлиб, умумий активлар 830,9 трлн сўмга етган. Бу ўсиш банкнинг тижорат фаолиятида кредитлаш асосий фаолият йўналиши бўлиб қолаётганини кўрсатади.

Бироқ, фақатгина кредитлар ҳажмининг ошиши молиявий барқарорликни англатмайди. Бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши банкни ликвидлик ва қайтариш хатарларига нисбатан сезувчан қилади. Шунинг учун активларнинг таркибий таҳлилида ликвид активлар улушига ҳам эътибор қаратиш зарур. Масалан, Марказий банкдаги маблағлар ва нақд пуллар улуши жами активлар тузилишида 2024 йилда 6,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 6,9 фоизга етган. Бу эса жорий ликвидлик имкониятларининг бироз яхшиланганини кўрсатади.

Банк мажбуриятлари тузилишида ҳам муҳим ўзгаришлар кузатилган. Жумладан, мижоз депозитлари 2024 йилда 257,2 трлн сўм бўлиб, 2025 йилда 345,6 трлн сўмгача ўсган. Бу ўсиш аҳоли ва корхоналар томонидан “Агробанк”ка бўлган ишонч даражаси ошганини, банк пассив ресурсларини кенгайтирганини кўрсатади. Лекин таҳлилда ушбу пассивлар таркибининг қай даражада узоқ муддатли ва барқарор эканини ҳам баҳолаш зарур.

Жами капитал кўрсаткичи 2024 йилда 72,6 трлн сўм бўлган бўлса, 2025 йилда 92,6 трлн сўмгача кўтарилган. Бу банк капиталлашув даражасининг ўсиб бораётганидан далолат беради. Бироқ ушбу ўсишнинг асосий манбаи қандай шакллангани — фойда ҳисобиданми, акциядорларнинг қўшимча ҳиссаси ҳисобиданми — таҳлил жараёнида аниқ кўрсатилиши зарур. Агар капитал ўсиши ички фаолият натижасида юзага келган бўлса, бу банкнинг ички даромад салоҳияти юксалаётганидан далолат беради.

Молиявий таҳлил жараёнида коэффициентлар таҳлили ҳам амалга оширилди. Жумладан, активларнинг мажбуриятларга нисбати 2024 йилда 111,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 112,5 фоизга етган. Бу мажбуриятларни қоплаш имконияти яхшиланганини, яъни капитал етарлилиги ошганини англатади. Шу билан бирга, кредитларнинг депозитларга нисбати 2024 йилда 185,3 фоиз бўлган ҳолда, 2025 йилда 158,1 фоизга тушган. Бу эса ликвидлик позициясидаги барқарорлашувни кўрсатади.

“Агробанк” АТБ молиявий фаолиятида 2024–2025 йиллар давомида ижобий динамика кузатилган. Банк активлари ва капитал кўрсаткичлари ошган, мижозлар базаси кенгайган, кредитлаш фаолияти ҳажми эса тўғри таркибий трансформацияларга йўналтирилган. Бироқ таҳлил шуни

кўрсатадики, кредитлар улушининг юқорилиги ҳануз хатар бўлиб қолмоқда. Шу боис, банк молиявий таҳлил натижалари асосида фаолиятнинг таркибий мувозанатини таъминлаш, активлар диверсификацияси ва пасивларни узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш стратегиясини кучайтириши лозим.

“Агробанк” АТБ ҳисоботлари асосида йиллар кетма-кетлигида таҳлил қиладиган бўлсак 2021 йил якунида “Агробанк” АТБ ўз фаолиятини иқтисодий барқарорликни сақлаш ва ички ресурслардан унумли фойдаланишга йўналтирган ҳолда амалга оширган. Йил якунида банкнинг умумий активлари 39,97 трлн сўмни ташкил этди.

4.3-жадвал

“Агробанк” АТБнинг ROA ва ROE кўрсаткичлари (2021–2024)⁹

Йиллар	ROA (%)	ROE (%)
2021	1.01	4.32
2022	1.15	6.39
2023	1.13	6.1
2024	0.03	0.18

Бу миқдорда асосий улушни кредит ва лизинг операциялари (31,66 трлн сўм) эгаллаган бўлиб, умумий активлар таркибининг тахминан 79 фоизига тўғри келади. Бу банкнинг тижорат кредитлаш йўналишидаги фаоллигини ва фойда олишдаги асосий механизм сифатида кредитлардан фойдаланаётганини кўрсатади.

Банкнинг мажбуриятлари 30,62 трлн сўмга тенг бўлиб, улар таркибида депозитлар, бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар ва қарз мажбуриятлари катта улушни ташкил этган. Хусусан, муддатли депозитлар 9,5 трлн сўм, талаб қилиб олинadиган депозитлар эса 2,3 трлн сўмни ташкил қилган. Бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар ва тўловга оид кредит ва лизинг операциялари умумий пасивларда салмоқли улушга эга эканини кўрсатади.

Жами хусусий капитал 9,35 трлн сўм бўлиб, унинг таркибида устав капитали (8,55 трлн сўм), захира фондлари ва тақсимланмаган фойда асосий манба ҳисобланади. 2021 йилда банк 404,1 млрд сўм миқдорида соф фойда қайд этган. Бу банкнинг фаолиятида даромад салоҳияти сақланаётганини билдиради.

Фоизли даромадлар 6,26 трлн сўмни ташкил этган, уларнинг асосий қисмини кредит ва лизинг операцияларидан (3,7 трлн сўм) ва бошқа фоизли манбалардан (2,3 трлн сўм) олинган даромадлар ташкил қилган. Фоизли харажатлар 4,86 трлн сўмга етган, бу эса соф фоизли даромадни 1,39 трлн сўмгача чеклаган. Хусусан, депозитлар ва заём маблағлари бўйича тўланган фоизлар умумий харажатларнинг катта қисмини ташкил қилган.

⁹ Агробанк АТБ молиявий кўрсаткичлар ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Фоизсиз даромадлар 1,44 трлн сўмни ташкил этиб, улар асосан хорижий валюталардаги операциялар (374 млрд сўм), хизмат ва воситачилик даромадлари, ҳамда ҳисобдан чиқарилган кредитлардан келган қайтган маблағлар ҳиссасига тўғри келган. Фоизсиз харажатлар эса 424 млрд сўмни ташкил этган. Операцион харажатлар 1,27 трлн сўмни ташкил қилиб, иш ҳақи, ижара, маъмурий ва солиқ харажатлари шу таркибда бўлган.

Молиявий коэффициентлар таҳлилидан келиб чиқиб:

Устав капиталнинг рентабеллик коэффициенти — 6,0%, бу капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг ўрта даражада эканлигини кўрсатади;

Тўлов қобилияти (Liquidity Coverage Ratio) — 162,8%, бу банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашда юқори салоҳиятга эга эканлигини англатади;

Абсолют ликвидлик коэффициенти — 115,9%, бу банкнинг нақд маблағлари билан жорий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш имкони борлигини кўрсатади;

Ўз маблағларининг жалб қилинган маблағларга нисбати — 78,9%, банк ички ресурсларга анча таянаётганини билдирмоқда;

Қарз маблағларига нисбатан ўз маблағлар улуши — 55,8%, бу капитал етарлилигининг хавфсиз чегарада эканлигини англатади.

2022 йил якуни бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, “Агробанк” АТБнинг молиявий натижалари таҳлилидан маълум бўлишича, банк ўз фаолиятини кредитлаш ва депозит базасини кенгайтиришга асосланган ҳолда олиб борган. Йил якунида умумий активлар 53,1 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 43,0 трлн сўм (81%) кредит ва лизинг операциялари ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткич банкнинг асосий даромад манбаси кредитлар эканлигини ва фаол активлар таркибида уларнинг юқори улушга эгалигини кўрсатади.


Банкнинг мажбуриятлари жами 43,6 трлн сўм бўлган. Муддатли депозитлар 10,03 трлн сўм, талаб қилиб олинadиган депозитлар эса 2,5 трлн сўмни ташкил этган. Бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар ҳамда кредит мажбуриятлари эса 26,2 трлн сўмга етган. Бу кўрсаткич банк пасивларининг асосан ташқи манбалар ва мижоз депозитлари ҳисобидан шаклланишини англатади. Хусусан, банкнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати 36,3%ни ташкил этган.

Жами хусусий капитал 9,5 трлн сўмга етган бўлиб, устав капитали (8,5 трлн сўм) ва тақсимланмаган фойда (745,7 млрд сўм) асосий қисмни ташкил этган. Жорий йилда соф фойда 609,2 млрд сўм миқдорида қайд этилган. Бу банкнинг барқарор даромад шакллантириш салоҳияти мавжудлигини кўрсатади.

Фоизли даромадлар 7,8 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, уларнинг

асосий қисми кредит ва лизинг операцияларидан (4,4 трлн сўм) ва бошқа фоизли манбалардан (3,1 трлн сўм) ҳосил бўлган. Фоизли харажатлар эса 6,0 трлн сўмга етган. Бунда депозитлар бўйича харажатлар 1,6 трлн сўм, қарз маблағлар бўйича эса 4,4 трлн сўмни ташкил этган. Бу фарқ банкнинг соф фоизли даромадини шакллантирган бўлса-да, харажатларнинг юқори даражада сақланиши соф фойдага босим кўрсатган.

Фоизсиз даромадлар ҳам салмоқли улушга эга бўлиб, 3,7 трлн сўмни ташкил этган. Улар асосан валюта операциялари (1,8 трлн сўм), хизмат кўрсатиш ва бошқа даромадлар ҳиссасига тўғри келган. Операцион харажатлар умумий 1,8 трлн сўмни ташкил қилган бўлиб, иш ҳақи, ижара, маъмурий ва бошқа хизмат харажатлари бу тузилманинг асосий қисмини ташкил этган.



4.3-расм. Агробанк 2021-2024-йилларда даромадлари ўсиши динамикаси¹⁰

Муҳим молиявий коэффициентлар таҳлилида:

Устав капиталининг рентабеллик коэффициенти — 7,1% бўлиб, бу банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигининг юқори эмас, лекин барқарор эканини кўрсатади;

Умумий тўлов қобилияти 121,7%, бу мажбуриятларни қоплаш учун етарли активлар мавжудлигини тасдиқлайди;

Абсолют ликвидлик даражаси — 110,3%, бу жорий муддатли мажбуриятларни бажариш имконияти юқори эканини англатади;

Ўз маблағларининг жалб қилинган маблағларга нисбати — 75,7%, бу банкдаги ички ресурсларнинг етарли улушини акс эттиради;

Фоизли даромад ва фоизли харажатлар орасидаги фарқ банкнинг фоиз маржаси чекланган эканини кўрсатади.

“Агробанк” АТБ 2022 йил якунида молиявий жихатдан барқарор ва эҳтиёткор сиёсат юритган. Кредит фаолияти юқори, пасив базаси кенгайган,

¹⁰ Агробанк АТБ молиявий кўрсаткичлар ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди


лекин харажатларни оптималлаштириш, диверсификация ва соф фойдани оширишга қаратилган чоралар талаб этилади. Таҳлил шуни кўрсатадики, банкнинг кейинги ривожланиш босқичида ресурслар тузилмасини мувозанатлаш, даромадларнинг барқарорлигини таъминлаш ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш стратегик аҳамият касб этади.

2023 йил якунида “Агробанк” АТБнинг молиявий натижалари таҳлили банкнинг фаол инвестиция сиёсати, кредитлашда юқори фаоллик ва молиявий барқарорликни сақлашга интилишини кўрсатади. Йил якунида банкнинг умумий активлари 66,7 трлн сўмга етган бўлиб, бу 2022 йилга нисбатан ўсишни намоён этади. Ушбу ўсиш, биринчи навбатда, кредит ва лизинг портфелининг кенгайиши ҳисобидан амалга оширилган.

Кредит ва лизинг операциялари 54,1 трлн сўмни ташкил этиб, умумий активларнинг тахминан 81 фоизини қамраб олган. Бу кўрсаткич банкнинг тижорат кредитига йўналтирилган фаолият моделини ва фойда ҳосил қилишда асосий манба сифатида кредитларни кўраётганини англатади. Бироқ бундай таркибий улуш банкнинг фаол активларига нисбатан хатар даражасини юқори сақлаб туришини ҳам билдиради.

Банкнинг мажбуриятлари 54,4 трлн сўмни ташкил этган, шундан 13,4 трлн сўм муддатли депозитлар ва 1,97 трлн сўм талаб қилиб олинadиган депозитлар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар ва кредит мажбуриятлари ҳам банк пассивларида салмоқли улушни ташкил қилмоқда. Бу банкнинг ташқи ресурсларга нисбатан боғлиқлигини билдиради.

Жами капитал 12,3 трлн сўмни ташкил қилган бўлиб, устав капитали 10,7 трлн сўм, захира фондлари ва тақсимланмаган фойда эса қолган қисмини ташкил этган. Йил якунида қайд этилган соф фойда 750,9 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, бу фаолият самарадорлиги ва молиявий натижанинг ижобий эканлигидан далолат беради.



4.4-расм. “Агробанк” АТБнинг 2021–2024 йиллар давомидаги

мажбуриятлари динамикаси¹¹

Фоизли даромадлар 11,3 трлн сўмни ташкил этган ва асосан кредит операциялари (6,7 трлн сўм) ва бошқа фоизли тушумлар (4,4 трлн сўм) ҳиссасига тўғри келган. Фоизли харажатлар 9,7 трлн сўмни ташкил этган. Бу фарқ жорий йилда соф фоиз маржаси юқори бўлмаганини кўрсатади. Яъни, банк ресурсларини жалб қилишдаги харажатлар ва уларни жойлаштиришдаги даромад ўртасидаги фарқ чекланган.

Фоизсиз даромадлар 5,0 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, асосан валюта операциялари ва ҳисобдан чиқарилган кредитлардан қайтарилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Операцион харажатлар 2,35 трлн сўмни ташкил этган, бунда иш ҳақи ва ижара харажатлари асосий улушни ташкил қилган.

Муҳим молиявий коэффициентлар таҳлил қилинганда:

Устав капиталининг рентабеллик коэффициенти – 7,8%, бу банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини англатади;

Умумий тўлов қобилияти – 123,2%, бу мажбуриятларни қоплаш қобилиятининг юқорилигидан далолат беради;

Абсолют ликвидлик даражаси – 104,0%, бу жорий тўловларни бажаришда банк муаммосиз эканини кўрсатади;

Кредит/депозит нисбати юқори бўлиб, фаол активлар асосан депозитлар ҳисобига молиялаштирилаётганини кўрсатади;

Капитал етарлилиги барқарор ҳолатда бўлиб, халқаро талабларга мос келади.

“Агробанк” 2023 йил якунида барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиб, фаолиятнинг асосий драйвери сифатида кредитлар билан ишлашда давом этмоқда. Бироқ соф фойданинг мутаносиб тарзда ошмаслиги, фоизли харажатлар ва кредит рисклари банкнинг молиявий самарадорлигига таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис банк ўз фаолиятида диверсификация, фоизсиз даромад манбаларини кенгайтириш ва ресурслар харажатларини оптималлаштириш стратегиясини кучайтириши мақсадга мувофиқдир.


2024 йилнинг январь-сентябрь ойларини қамраб олган молиявий ҳисобот натижаларига кўра, “Агробанк” АТБ ўз фаолиятини умумий ўсиш тенденциясида давом эттирган. Жорий ҳисобот даврида банкнинг умумий активлари 75,4 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсгани кузатилади. Бу ўсиш асосан кредит ва лизинг операциялари ҳамда инвестиция фаоллигининг кенгайиши ҳисобига юзага келган.

Кредит ва лизинг портфели ҳисобот даврида 59,2 трлн сўмни ташкил этди. Бу банк активларининг 78,5% қисми кредитларга тўғри келаётганини

¹¹ Агробанк АТБ молиявий кўрсаткичлар ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

кўрсатади. Кредитлашнинг фаоллашуви банкнинг рентабелликни таъминлашда кредит фаолиятига асосий эътибор қаратганини англатади. Бироқ ушбу таркибий юқори концентрация кредит рискларини оптимал бошқариш талабини ҳам оширади.

Банк мажбуриятлари 63,0 трлн сўм атрофида шаклланган бўлиб, улар таркибида асосий улушни талаб қилиб олинadиган ва муддатли депозитлар ташкил этган. Хусусан, муддатли депозитлар 17,3 трлн сўмга етган. Бу аҳоли ва хўжалик субъектлари томонидан банкка бўлган ишонч барқарорлигини кўрсатади. Шунингдек, бошқа банклардан жалб қилинган ресурслар 6,6 трлн сўмни ташкил этиб, банкнинг ташқи манбаларга нисбатан муносабатини кўрсатади.



4.5-расм. “Агробанк” АТБнинг 2021-2024-йилларда даромадлари ўсиши динамикаси¹²

Фоизли даромадлар жами 10,2 трлн сўмни ташкил этди. Бунда асосий улуш кредит ва лизинг операциялари (5,8 трлн сўм) ҳамда бошқа фоизли даромадлар (4,4 трлн сўм) ҳиссасига тўғри келди. Бу банкнинг фаол фоиз сиёсати юритишини тасдиқлайди. Фоизли харажатлар эса 8,9 трлн сўмни ташкил этиб, банкнинг депозитлар ва қарз ресурслари учун тўлаётган харажатлар салмоқли улушга эга эканини кўрсатади.

Фоиzsиз даромадлар (2,9 трлн сўм) фоизли даромадларга нисбатан кам бўлса-да, хизмат ва валюта операциялари ҳиссаси орқали қўшимча даромад манбаи сифатида шаклланган. Шу билан бирга, банкнинг операцион харажатлари 1,8 трлн сўмни ташкил этиб, банкнинг ички самарадорлик даражасини баҳолашда асос бўлиб хизмат қилади.

Жами капитал 12,4 трлн сўм атрофида бўлиб, унинг таркибини устав

¹² Агробанк АТБ молиявий кўрсаткичлар ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

капитали, захира жамғармалари ва тақсимланмаган фойда ташкил этган. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра 22,1 млрд сўм миқдорида соф фойда қайд этилган. Банкнинг рентабеллик даражаси қиёсий ҳолда паст бўлишига қарамай, фойда шаклланиши ижобий динамикада давом этмоқда.

Молиявий коэффициентлар таҳлилида:

Активлар/мажбуриятлар нисбати 119,6% атрофида бўлиб, бу банкда капитал етарлилигининг муайян даражасда таъминланганини кўрсатади;

ROA (активлар рентабеллиги) ва ROE (капитал рентабеллиги) нисбатан паст бўлиб, банк фойдасининг умумий ресурсларга нисбатан самарадорлиги чекланганлигини англатади;

Кредитлар/депозитлар нисбати юқори даражада бўлиб, фаол активлар депозитлар ҳисобига молиялаштирилаётганини кўрсатади.

“Агробанк” АТБ 2024 йил 9 ойида умумий молиявий барқарорликни сақлаб қолиш билан бирга, фаолиятнинг кредитлаш ва инвестицияга йўналтирилган моделини амалга оширган. Бироқ банкнинг харажатлар тузилиши, рентабеллик даражаси ва фаол активлар билан пасивлар ўртасидаги мувозанат кўрсаткичлари стратегик оптималлаштиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

21. « Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2021 йил 5-феврал.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “ 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620 сон Қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

25. Deloitte. Banking and capital markets outlook: Recalibrating for resilience [Электронный ресурс] // Deloitte Insights. – 2023. – Режим доступа: <https://www2.deloitte.com/global/en/insights/industry/financial-services/banking-capital-markets-outlook.html>

26. PwC. Global Banking and Capital Markets 2025: Retail banking in the age of AI [Электронный ресурс] // PricewaterhouseCoopers. – 2023. – Режим доступа: <https://www.pwc.com/gx/en/industries/financial-services/banking-capital-markets.html>

27. KPMG. Global Banking Report: Thriving in a digital world [Электронный ресурс] // KPMG International. – 2022. – Режим доступа: <https://home.kpmg/xx/en/home/insights/2022/05/global-banking-report.html>

28. EY. Auditor's Report for Banco Santander [Электронный ресурс] // EY Global. – 2024. – Режим доступа: <https://www.santander.com/content/dam/santander-com/en/documentos/informes-anuales/2024/ia-2024-ey-auditors-report-english.pdf>.